

МАЪНАВИЙ МАДАНИЯТ ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ ТАРКИБИЙ ТУЗИЛИШИ



<https://doi.org/10.5281/zenodo.14544332>

Алфраганус университети

Ижтимоий фанлар кафедраси в.б. доценти, PhD

Маманов Жамолiddин Абдурахимович

jamolmamanov89@gmail.com

Аннотация: Мақолада маънавий маданият тушунчаси ва унинг таркибий тузилиши ўрганилган. Маънавий маданиятнинг инсон ва жамият маънавий ҳаётининг турли қирраларини қамраб оладиган инсон фаолияти соҳаси, шунингдек маълум бир маданий-тарихий бирликка ёки умуман инсониятга хос бўлган билим ва дунёқараиш ғоялари тизими эканлиги кўрсатиб берилган.

Калит сўзлар: маънавий маданият, маданий-тарихий бирлик, фуқаролик жамияти, таълим.

Маълумки, маданият бир бутун тизим сифатида икки шаклда тушунилади: моддий маданият ва маънавий маданият. Маданиятнинг бу икки шаклга бўлиниши иккита муҳим ишлаб чиқариш - моддий ва маънавий ишлаб чиқаришнинг мавжудлигига мос келади. Моддий маданият инсон моддий ишлаб чиқариш фаолиятининг барча соҳаларини қамраб олади. Бунга меҳнат қуроллари, яшаш ва кундалик уй-рўзғор буюмлари, кийим-кечак, транспорт воситалари ва бошқалар киради¹.

Маънавий маданият деганда маънавий ишлаб чиқариш соҳаси ва унинг натижалари ва маҳсуллари тушунилади. У онгнинг барча соҳаларини - фан, таълим, ҳуқуқ, фалсафа, санъат, адабиёт, халқ оғзаки ижоди, дин ва бошқаларни ўз ичига олади. Шунингдек, у кишиларнинг бир-бирига муносабатини, уларнинг ўзига ва табиатга бўлган муносабатини ўз ичига олади, бу моддий ва маънавий фаолият жараёнида маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлайди. Шуни таъкидлаш керакки, маданий фаолиятнинг икки тури мавжуд - ижодий ва репродуктив: биринчиси янги маданий қадриятларни яратади, иккинчиси эса уларни қайта яратиш орқали уларнинг айланишини оширади. Маънавиятни талқин қилиш, изоҳлаш, ўрганишда шахс маънавияти

¹ Богатырев Д. К. Философия культуры. СПб. Издательство РХГА 2020. - 368 с.

билан ижтимоий гуруҳ, халқ, миллат маънавиятини ҳам алоҳида, ҳам ўзаро алоқадорликда олиб қараш талаб қилинади.

Маънавий маданият - бу инсон ва жамият маънавий ҳаётининг турли қирраларини камраб оладиган инсон фаолияти соҳаси, шунингдек маълум бир маданий-тарихий бирликка ёки умуман инсониятга хос бўлган билим ва дунёқараш ғоялари тизимини англатади. Маънавий маданият ижтимоий онг шакллари ва уларнинг инсон фаолиятининг адабий, ахлоқий ва бошқа қадриятларини ўз ичига олади². Маънавий маданият инсон ўзини фақат ҳиссий-ташқи тажриба билан чеклаб қўймаслиги ва унга устувор аҳамият бермаслиги, балки у яшайдиган, севадиган, ишонадиган ва ҳамма нарсани баҳолайдиган асосий ва йўналтирувчи маънавий-руҳий тажрибани тан олиши туфайли пайдо бўлади. Ушбу ички маънавий-руҳий тажриба билан инсон ташқи, ҳиссий тажрибанинг мазмуни ва энг юқори мақсадини белгилайди.

“Маънавий маданият” тушунчаси немис файласуфи, тилшунос ва давлат арбоби Вильгелм фон Гумбольдтнинг тарихий ва фалсафий ғояларига асосланади. У томонидан ишлаб чиқилган тарихий билимлар назариясига кўра, жаҳон тарихи - бу билим чегараларидан ташқарида бўлган, айрим шахсларнинг ижодий қобилиятлари ва шахсий саъй-ҳаракатлари орқали намоён бўладиган маънавий куч фаолиятининг натижасидир. Ушбу қўшма ижоднинг самаралари инсониятнинг маънавий маданияти асосини ташкил этади³. Шунингдек, австриялик файласуф Франкл Виктор маънавий маданиятни инсонни ажратиб турадиган, фақатгина унинг ўзига хос жиҳати, деб таърифлайди.⁴

Маънавият – инсонни инсон, жамиятни жамият сифатида барқарор сақлаб турувчи, одамнинг жами билимлари, ақл-заковат ва туйғулари, ахлоқи ва феъл-атвори, тафаккур ва қарашлари йиғиндиси⁵.

Мустақиллик йилларининг бошларида маънавий маданият тушунчаси ўрнига маънавият тушунчаси йўлланила бошланди. Албатта бу тушунча инсонларнинг онгида юксак ахлоқ ва инсоний фазилатларни шакллантиришб жамият учун керакли бўлган ёш авлодни тарбиялаш мақсадида, мафкуравий жараёнларни янги босқичга олиб чиқиш учун қўлланилган бўлса, бу жиҳатдан маънавият жамият ҳаётида аввалги инкор этилган коммунистик мафкура ўрнини кўлдириши халқ, фуқаролар онгида пайдо бўлган бўшлиқни тўлдириши лозим эди. Бу жиҳатдан ушбу тушунча жамият ҳаётида, таълим тизимида,

² Лиховцева А.В. Образ Мира. Основы духовной культуры М. AVRORA 2022. – 300 с.

³ Гумбольдт В. фон. Концепция общего языкознания: цели, содержание, структура. Избранные переводы. /Пер. с нем., вступ. ст. и примеч. Лобановой Л.П./ Серия: «История лингвофилософской мысли» М. ЛЕНАНД 2018. - 504 с.

⁴ Франкл В. Человек в поисках смысла (Перевод Д. Леонтьева). – Пермь: Биг-Пресс, 2012. Стр.35.

⁵ Мирзоб Бўрон. Нима бирламчи: иқтисодми ёки маънавият? Тафаккур журнали. 2021 йил 2-сон. 15-бет.

айниқса ёшлар онгига чуқур сингдирилди. Лекин ушбу тушунчани мазмунини англаш нафақат оддий фуқаролар учун балки ижтимоий соҳа вакиллари учун ҳам қийин вазифага айланди. Сабаби маънавият инсон ички дунёси, руҳияти билан боғлиқ тушунча бўлганлиги, инсоннинг ички дунёсини тушунтириш осон иш эмаслигидан келиб чиқди. Бунинг оқибатидан маънавият тушунчасини тушунишга қийналган қатлам бу тушунчадан вос кечиш керакли ҳақида ҳам даво билан чиқишди. Маънавият инсон камолотининг энг юқори босқичини англатгани сабабли ҳам жамият ҳаётида фаолият олиб борувчи фуқароларнинг олий даражаси этиб белгилаш ва жамиятнинг юксак мақсади сифатида тарғиб этиш албатда муҳим ҳисобланади. Лекин, маънавият маданият тушунчасини илмий муомалада қўллаш, маънавият тушунчасини изоҳлашда аввалги қийинчиликларни енгиллаштиради деб ҳисоблаймиз.

Маънавий маданият ривожланиши ва тараққий этиб боришида бир қанча омиллар диалектик ўзаро таъсирга эга. Қуйида ушбу омилларнинг баъзиларига тўхталиб ўтамиз.

Таълим маънавий маданият соҳасидаги давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан биридир. Бу ерда Ўзбекистон учун долзарб масала – ёш авлодни ахлоқий тарбиялаш тизимини зудлик билан ислоҳ қилиш долзарбдир. Келгуси йилларда ушбу тизимни қайта қуриш керак бўлади. Бежизга Президент Ш.Мирзиёев 2023 йилни “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили” деб номламади. Шу мақсадда нафақат кўплаб ўрта ва олий таълим ўқув дастурларининг мазмунини кўриб чиқиш, балки ушбу соҳаларни психология ва ўқув ишлари методикаси соҳасида тажрибали профессор-ўқитувчилар билан таъминлаш зарур. Бу қийин масала ва уни ҳал қилиш учун кўп вақт ва маблағ керак бўлади. Бироқ, ушбу муаммони ҳал қилишнинг стратегик аҳамияти ушбу харажатларнинг тўғрилигини исботлайди, чунки ушбу муаммони ҳал қилмасдан, мамлакатимиз таълим тизимини қайта қуриш ва янада ривожлантиришнинг кўплаб мақсадларига эришиб бўлмайди.

Иккинчидан, мамлакатимиз таълим тизимидаги мавжуд муаммолар, айтиқса умумтаълим мактабларидаги ўқитиш тизимининг эскирганлиги, мактабларда дарс берувчи ўқитувчиларнинг асосий қисмини аёл ўқитувчилар ташкил этиши ушбу муаммоларни келтириб чиқарувчи сабаблардан биридир. Биламизки аёллар тарбияда, умуман ёш авлод билан ўзаро муносабатларда меҳр-мухаббат билан муносабатда бўлиши ёшларнинг тарбиясида салбий ҳолатларни келтириб чиқарувчи омилга айланмоқда.

Маънавий маданиятини ривожлантиришдаги иккинчи муҳим восита билим соҳасидир. Фуқаролик жамияти ривожланиши жараёнида замонавий илмий билимлар мунтазам ривож топиб, ўз имкониятлари чегарасини тобора

кенгайтириб бормоқда. Жамиятда янги технологиялар, инновациялар кашф этилмоқда, глобаллашувга хос бўлган назария ва билимлар, янги фанлар юзага келмоқда.⁶ Билимли ёшлар аввало бўш вақтдан унумли фойдаланиш имконини қидирувчи, вақтини беҳуда нарсаларга сарфламасликка ҳаракат қилувчи жамият қатлами ҳисобланади. Ёшлигидан йигит-қизларни илм олишга, маълум соҳани эгаси бўлишга ўргатиш жамият учун керакли, маънавий салоҳияти юқори ёшларни етиштириб бериш демакдир. Тарихий хотирага эътибор қаратсак, Қодирийнинг “Ўтган кунлар”даги Отабек Юсуфбек хожидек бир донишманд, иймон-эътиқоди бутун, халқпарвар инсоннинг ўғли. Юсуфбек ҳожининг барча маънавий фазилатлари ўғлига ўтганлиги шубҳасиз. Иккинчидан: Отабек мадраса кўрган йигит: ўз даври учун етарли даражада илм олмаган бўлганида Отабек ўз халқи, Ватани, миллатининг жонкуяр бир фарзанди даражасига етиши даргумон эди. Ёшларнинг эзгу фазилатларни эгаллашлари ҳақида мамлакат президенти Ш.Мирзиёев “Илм-маърифат ва касб-ҳунарга интилиш, оилани муқаддас билиш, маънавий поклик, катталарга ҳурмат, кичикларга шафқат, қадриятларимизга садоқат каби эзгу фазилатлар азалдан халқимиз, миллатимизнинг қонида бўлиб келган. Биз мана шундай бебаҳо меросимизни нафақат асрашимиз, балки уни янада бойитишимиз, келгуси авлодларга безавол етказишимиз керак” деган фикрларни билдиради. Албатта мамлакатни билимли, маънавий маданияти юксак, ахлоқий фазилатлар ва замонавий технологияларни чуқур эгаллаган ёшлар юксакларга кўтаради, ривожланган мамлакатлар қаторига олиб чиқади. Шу сабабли ҳам бугунги ёшларни билимли қилиб тарбиялаш энг муҳим вазифадир. Бу йўлда мамлакатимиз сўнги йилларда бир нечта янги ва дадил қадамларни ташлаганлиги эътиборга лойиқ. Хусусан, мактабгача, умумий ва олий таълим муассасаларини хусусийлаштириш имкониятини пойдо бўлганлиги. Яқин йилларга қадар мамлакатимизда таълимни хусусийлаштириш масаласи ҳақида биз орзу ҳам қилмас эдик. Хусусий таълим муассасаларининг авзаллик томони мазкур муассасанинг ўқитувчи ёки талабаларга бераётган таълим сифатига қараб кейинги тақдири белгиланиши. Агар мазкур муассасада таълим сифати яхши ва тўғри йўлга қўйилса мазкур муассасага келиб таълим олувчилар сони ортишига олиб келади. Лекин таълим сифати паст бўлиб, таниш-билиш ёки коррупцион ҳолатлар юз берадиган бўлса ўз-ўзидан кейинги йилларда мазкур муассасага бўлган талаб пасайиб кетишига олиб келади. Юқоридаги сабаблар асосида хусусий таълим муассаса раҳбари албатта кейинги йилларни ўйлаган ҳолда таълим сифатини оширишга, кучли билим ва амалий кўникмаларга эга

⁶ Сиддиқов И. Ёшлар интеллектуал маданиятини ривожлантиришнинг ижтимоий-фалсафий жиҳатлари. Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. Т. 2020. 11-б.

бўлган кадрларни таълим жараёнига олиб киришга ҳаракат қилади. Бу эса ўз-ўзидан таълимда рақобатни келтириб чиқаради. Биламизки, рақобат бозор иқтисодиёти шароитида ривожланишнинг асосий омили ҳисобланади. Мазкур рақобатнинг кучаеши бугунги кунда ёшларнинг билим савиясини ошишига ва кўплаб ютуқларни қўлга киритишга олиб келмоқда.